**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2024-йилда эришган ютуқлари қисқа сатрларда**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети салкам бир асрлик тарихи давомида жуда кўп мараллларга эришди, халқаро миқёсда эътироф этилди. Якунланиб бораётган 2024-йил эса мазкур ютуқлар сонини янада кенгайтирди дейиш мумкин.

75 йиллик тарихга эга университетда ўз нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида таълим сифатини оширишга алоҳида аҳамият қаратиб келинади.

Хусусан илмий ишлар ва инновациялар бўйича 2024-йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида қуйидаги ишлар амалга оширилган.

Илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар улуши **26,5 %** ни ташкил этмоқда.

Университетда жами **1041 нафар** профессор-ўқитувчилар бўлиб, уларнинг **949 нафар** асосий штатда фаолият юритади:

илмий даражалилар **324 нафар** (**81 нафар** (DSc), **243 нафар** (PhD),

илмий унвонлилар **177 нафар** (**39 нафар** профессор, **138 нафар** доцент),

илмий даражага эга бўлмаган профессор-ўқитувчилар **717 нафар**ни ташкил этади.

2024 йилда жами **54 та** ҳимоя ўтказилган (**48 та** (DSc) **6 та** (PhD)). диссертацияларини ҳимоя қилган. Шунингдек давлат илмий-техника дастурлари доирасида **2 та** инновацион ва **11 та** халқаро лойиҳа амалга оширилди.

Профессор-ўқитувчилари томонидан **ОАК** тасарруфидаги журналларда **1002 та**, Хорижий журналларда **1600 та**, Университетда ташкил этилган халқаро ва республика конференцияларида **1386 та** мақолалар нашр этилган.

**Scopus/Web of Science** халқаро маълумотлар базасида индексланувчи журналларда **45 та** мақола нашр қилинган.

**Халқаро** ва **Республика** миқёсида **52 та** монография нашр этилган.

**Талабалар эришган ютуқлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти **2 нафар** (**1 нафар** магистр, **1 нафар** бакалавр)

Президенти гранти **9 нафар**,

Навоий номидаги давлат стипендияси **11 нафар**,

Ислом Каримов номли давлат стипендияси **1 нафар.**

Тил йўналиши бўйича

Зулфия номидаги Давлат мукофоти **2 нафар**,

Хорижий тиллар фан олимпиадасидан **8 нафар**,

Александр Файнберг стипендияси соҳиблари **10 нафар**

“Ректор стипендияси” **24 нафар**.

**Турли халқаро танловлар**

Хитой элчихонаси томонидан ташкил этилган "Хитой тили кўприги" халқаро талабалар мусобақасининг Республика босқичида

**1 нафар** Гран-при(олий ўрин),

**1 нафар** 2-ўрин,

**1 нафар** 3-ўрин соҳиблари.

Франция элчихонаси томонидан ташкил этилган "Де́фи Интер-Аллиансес 2024" халқаро танловининг Осиё босқичида

**1 нафар** 1-ўрин.

Давлатмаммед Азадий номидаги Туркман миллий жаҳон тиллари университетида ташкил этилган рус тили бўйича халқаро онлайн олимпиадада

Университетда **юқори натижаларга эришган** талабалар **73 нафар**ни, шундан **Республика олимпиадалари ва нуфузли танловларда** совринли ўринларни қулга киритган талабалар сони **36 нафар**ни ташкил этади.

**3 нафар** талаба 1, 2, 3 даражали дипломларни қўлга киритишди.

**Ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишлар** юзасидан **300 дан** ортиқ тадбирлар, “**Маърифат улашиб**” лойиҳаси доирасида университетда ва Адиблар хиёбонида атоқли ёзувчилар ҳамда шоирлар билан ўтказилган **50 та** ижодий учрашувлар, Ватанга садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини янада кучайтиришга қаратилган таниқли олимлар ва ҳарбий соҳа вакиллари билан ҳамкорликда **60 дан** ортиқ учрашувлар юқори савияда ташкил этилган.

**“Спорт бизни бирлаштиради”, “Спорт – саломатлик гарови”,** шиори остида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасида **40 дан** ортиқ спорт мусобақалари ташкил этилган.

- Университетнинг **599 979 та** китобга эга бўлган Ахборот ресурс маркази ҳар куни соат 07:00 дан 23:00 гача китобхон талабалар учун хизмат қилмоқда.

- Ёзувчи ва шоирларнинг **10** дан ортиқ китоб тақдимотлари ўтказилган.

- Университетга қарашли ҳар бир талабалар турар жойларида Ахборот ресурс марказларининг эрталаб соат 06:00 дан кеч соат 00:00 гача икки сменалик фаолияти йўлга қўйилган.

- **“Шарқ зиёкори”** нашриёти билан университет ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, доимий равишда **“Китоб ярмаркаси”** ташкил этилган.

- **“Китоб менинг дўстим”** кўрик танловининг университет босқичи ўтказилиб, унда фахрли ўринларни эгаллаган талабалар Республика босқичига йўлланмани қўлга киритишган.

ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **1903 нафар** талаба ва ўтказилган танлов ҳамда мусобақаларнинг **287 нафар** ғолиблари моддий рағбатлантирилди.

“Ёш китобхон” танловининг республика босқичида университет талабаси фахрли **биринчи ўрин** ғолиби бўлди.

**800** ўринга мўлжалланган ёзги **“Амфитеатр”** барпо этиш бўйича Амфитеатр эскизи тайёрланди ва университетнинг Учтепа тумани Заковат кўчаси 4-уй ҳудудида уни барпо этишлиши бўйича лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

ДҲШ асосида университетнинг Учтепа тумани Заковат кўчаси 4-уй ҳудудига **1500 ўринга** мўлжалланган талабалар турар жойи қурилиши бошлаб юборилган.

**Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича**

Университет 2024 йил якуни билан **UI GreenMetrics халқаро рейтингининг ТОП-500 талик рўйхатига кирди. THE ва QS рейтинг** агентликлари платформаларига ОТМ маълумотлари киритилди ва репортер сифатида қабул қилинди;

Университет ҳузурида “**Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тармоқ маркази**” ташкил этилди ва **“Accreditation and Rating International Agency”** ташкилоти томонидан **Халқаро аккредитациядан** ўтказилди;

**Индонезия Аккредитация Кенгаши (ACE)** билан ҳамкорликда “**Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)”** бакалавриат таълим

йўналишини ташқи институционал **аккредитациядан** ўтказиш амалга оширилмоқда.

2025 йил “**Филология ва тилларни ўқитиш”** ва “**Таржима назарияси ва амалиёти”** бакалавриат таълим йўналишларини **Foundation for International Business Administration Accreditation (FIBAA)** халқаро аккредитация ташкилоти томонидан ўтказилиши режалаштирилган.

**Хорижий профессор-ўқитувчилар** (**native speaker**) улуши **23 нафардан 73 нафарга етказилди**. Бугунги кунда **55 нафари** дарс бермоқда;

**Хорижий талабалар** сони **75 нафардан 200 нафарга етказилди**.

Халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги **меморандум ва шартномалар** сони 2023 йил сентябрда **103 тадан** 2024 йил декабр ҳолатига **190 та (+ 87 та) га етди**.

Халқаро лойиҳалар сонини **20 тага,** хорижий олийгоҳларга юбориладиган профессор-ўқитувчиларни **160 нафарга,** талабаларни **200 нафарга,** чет эллик профессор-ўқитувчилар улушини **60 нафарга**, хорижий талабалар сонини **250 нафарга,** халқаро аккредитациядан ўтказиладиган таълим дастурлари сонини **4 тага** етказиш;

2025 йил январь ойида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги **(KOICA)**нинг **1 116 000 АҚШ доллари** миқдорида 3 йиллик гранти қўлга киритилди. Унга кўра Кореядан **70 нафар** кўнгилли таълим жараёнига жалб этилади, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари (**300 минг АҚШ доллари**) амалга оширилади, **корейс тили, миллий мусиқа ва рақс** ҳамда **таэквондо** тўгараклари иши йўлга қўйилади;

**ТОП 500** талика кирувчи Санкт-Петербург давлат университети, шунингдек, Москва давлат лингвистика университети билан, Хитойнинг Далян ва Ляодинь, Малайзиянинг фан университети ва Жанубий Кореянинг Кеймюнг университетлари билан бакалавр ёки магистратура **қўшма таълим дастурларини** йўлга қўйиш

**Профессор-ўқитувчилар ва талабалар билимини баҳолаш ҳамда сертификатлаштириш ишларини ташкиллаштириш мақсадида**

Санкт Петербург давлат университети билан Рус тили бўйича ТРКИ тест маркази,

Иорданиялик ҳамкорлар билан АТТАНАЛ АЛ-АРАБИ (араб тили) тест маркази,

Корея таълим маркази билан TOPIC (корейс тили) тест марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Университетнинг инфратузилмаси ҳам кенгайиб йил давомида университетнинг тарихини ўзида жамлаган “**Университет музей**”, энг замонавий ускуналарга эга бўлган “**Edu smart**” студияси, “**University mall**” маркази, “**Kulolman spin-off**” маркази ўз фаолиятини 2024-йилда йўлга қўйди.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ўқув юкламаси **770** соатдан **740** соатга туширилди.

Тил билиш сертификатига (**C1** даража) эга профессор-ўқитувчилар улуши **403** нафар (**60,8%)** дан **626** нафар (**95,4%)** га ошди **(+34,6%).**

Тил билиш сертификатига (**B2** ёки **C1** даража) эга **битирувчи курс** талаблар улуши **30,1%** дан **53%** га ошди.

**36 та дарслик**, **70 та ўқув қўлланма** жами **106 та ўқув адабиётлари** яратилди.

Амалда ўқитилаётган **17 та** тилга қўшимча **2-чет тили** сифати **3 та** хорижий тил қўшилиши эвазига университетда жами **20 та хорижий тил** ўқитилиши таъминланди.

“**Регистратор офис**” фаолияти йўлга қўйилди.